

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 248 (10.553)

2005 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САҲИФА

● **БУГУН** Бектемир туман марказий кутубхонасида китобхонлар, 290-мактаб ўқувчилари иштирокида «Янги йил арчаси» мавзуда адабий кеча уюштирилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 66-махсус мактабда «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида «Хар доим «Камолот билан» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Адолат», «Ақбаробод», «Ас-тробод», «Ахилобод», Ахмад Доғиш, Беруний маҳаллаларида яшовчи ёлғиз қолган қарияларга, ногиронларга кириб келаётган Янги йил муносабати билан «Камолот» ЕИХ туман Кенгашининг совгалари тўхфа этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Дастлабки терговда суд назорати муаммолари» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТ ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликларида тайёрланган «Уни бойитиш» дастури лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда шу соҳада қалам тебратаятган журналистлар ўртасида энг яхши мақола, эшиттириш, кўрсатувлар учун танлов эълон қилинганлиги маълум қилинди. Ғолибларга 2006 йилнинг 30 май куни совгалар топширилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Куни кеча пойтахтда учинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унинг кун тартибида Тошкент шаҳрининг 2005 йилда кутилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижалари ва 2006 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, жорий йилги бюджетнинг ижроси ва 2006 йилги бюджет лойиҳаси, «Сихат-саломатлик йили» дастури бажарилиши ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Ҳисобот даврида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир кутилаётган натижалар юзасидан маъруза қилган шаҳар ҳокими, хусусан, жорий йил учун мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда асосий эътибор Ўзбекистон Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида белгиланган устувор йўналишларга қаратилганини таъкидлаб ўтди. Дастлабки натижалар шунки кўрсатадики, ислохотларнинг изчил давом эттирилиши, иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши ҳисобига пойтахтда макрориктисодий ва молиявий барқарорлик таъминланиши ва жорий йил учун қабул қилинган барча ижтимоий масалаларнинг тўлиқ ва манзилли бажарилиши кутилмоқда.

Жумладан, ҳудудий ички маҳсулотнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 15 фоизга кўпроқ бўлади. Бунда саноатда ўсиш суръати 119 фоизни, пудрат ишларида — 110 фоизни, чакана товар айланмаси — 127 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш — 123 фоизни ташкил этади. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 109 фоизга бажарилгани эса авваламбор пенсия, ижтимоий нафақалар, стипендия ҳамда бюджет ташкилот ва муассасалари учун ойлик маошининг вақтида тўлаб борилишига асос бўлди. Аҳоли даромадларининг ўрта ҳисобда 33 фоизга кўпайиши кузатишмоқда. Бюджет харажатларининг 55,4 фоизи ижтимоий соҳага ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган, хусусан 20,431 та кам таъминланган оилага — 760 миллион сўм, 18 ёшгача фарзанди бўлган 17,841 та оилага — 1,9 миллиард сўм, икки ёшгача фарзанди бўлган 7,969 оилага — 1,6 миллиард сўм, 867 нафар ёлғиз қарияларга — 77,7 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, бюджет ҳисобидан ободонлаштириш ишларига — 13 миллиард сўм, иссиқлик қувватидан фойдаланиш учун тарифлар тафовутини қоплаш

га — 9,1 миллиард сўм, қозонхоналар ва иссиқлик қувурларини таъмирлашга 1,4 миллиард сўм сарфланди. Ҳисобот даврида «Бандлик» дастури доирасида қўшимча 39 мингта иш ўринлари яратилди.

Бу борада бизнес тузилмаларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Утган йилнинг шу даврига нисбатан кичик бизнеснинг ҳудудий ички маҳсулотдаги ҳажми 8 фоизга ошгани кузатилиб, 54,3 фоизни ташкил этмоқда. Шу ҳам аҳамиятга моликки, хусусий тадбиркорларнинг пойтахт экспорт салоҳиятини кенгайтиришда ҳиссаси салмоқли бўлиши кутилаётган: йил давомида улар томонидан экспорт қилинган товар ва маҳсулотлар ҳажми 12,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми деярли икки бараварга ошган. 16 та лойиҳанинг таъбиқ этилишига мўлжалланган 84,8 миллион АҚШ долларининг 73,2 миллиони ўзлаштирилган бўлса, шундан 49,1 миллион АҚШ долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Ўзлаштирилган хорижий сармояларнинг асосий қисми «Бай-текс-тижарет», «Айдемир-текстиль», «Муруват-текстиль», «Аяким-текстиль» каби янги қўшма ва хорижий корхоналарга тўғри келади.

Жорий йилда пойтахтимизда бир қатор ижтимоий-маданий объектлар, шу жумладан капитал реконструкция ва таъмирлаш ишларидан сўнг янги ўқув йилига 16 та мактаб, 4 та касб-ҳунар коллежи, Истиклол байрами олдидан Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳамда Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғлари, янги қурилган Миллий кийимлар галереяси, Болалар иходиётеи уйи, Мустақиллик майдонида «Эзгулик» мажмуаси фойдаланишига топширилди.

Давоми 2-бетда.

XVI сағоси

Барча маълумлардан олинган сўйиш хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Ўзбекистонда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш» мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● «Экосан» халқаро ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан эълон қилинган даврий матбуот, телевидение ва радиода, электрон оммавий ахборот воситаларида Сихат-саломатлик йили мавзуларини ёритиш бўйича республика кўриктанлови яқунланди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан чоп этилган китоб ва қўлланмаларнинг тақдироти ўтказилди.

● Наманган вилоятининг Поп туманида замонавий асбоб-ускуна ва техникалар билан жиҳозланган янги ўт ўчириш қисми фойдаланишига топширилди. Унинг икки қаватли бизнес ҳоимларнинг фаол ёрдами остида қад ростлади.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Китоб туманидаги Сараосё кишлоғида фаолият кўрсатаятган спорт мажмуасига 10 миллион сўмлик турли хил спорт анжомлари топширилди.

Жаҳонда

● Франция парламенти терроризмга қарши қонунни тасдиқлади. Янги қонун террорчилик актларини тайёрлаш, содир этиш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширган шахсларни ва уларга ёрдам берганларга нисбатан жазо чоралари қучайтирилиши кўзда тутади.

● Теннис бўйича эркеклар терма жамоалари ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис кубоги мусобақаларида Хорватия жамоаси ғалаба нашидасини сурди.

● Швейцариялик олимлар хуррак отишга қарши янги восита — диджериду номли Австралиянинг муסיқали асбобини таклиф этдилар.

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

БИЗНЕС ВА ҲУҚУҚИЙ ШАРОИТ:

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўн тўрт йил аввал Истиклол йўлини танлаган халқимиз ўз бош мақсади сари — келажаги буюқ давлат қуриш йўлида шахдам қадам ташламоқда. Бугунги кунда ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ўз ижобий таъсирини кўрсатмаган бйрон-бир соҳа бўлмаса керак. Бу ўзгаришларда давлат бош ислохотчи, ислохотлар инсон учун деган давлатимиз сиёсатининг бош тамойили ўз аксини топмоқда. Табиийки, ўтиш даврининг дастлабки босқичларида хато ва камчиликлардан истисно бўла олмадик, лекин улар кишилар ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилмаган ҳолда бевосита давлат кафолати остида ўз вақтида бартараф этилгани аҳамиятга моликдир. Бугунги кунда ҳар биримиз эришилган ютуқларимиз неъматларидан тўлақонли баҳраманд бўлмоқдамиз. Энг муҳими, биз тинчлик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётган эркин ва мустақил давлатда яшаш имкониятига эгамиз. Бирок вақт бир жойда тўхтаб қолмайди. Бор ютуқлар билан кифояланиш бизнинг даврга мос келмайди. XXI аср — глобаллашувлар асридир, у доимий ҳаракатда бўлишни, ҳар бир жабҳа мунтазам равишда замонга мос ҳолда тақомиллаштириб борилишини такозо этади. Демак, республикамизда амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш жараёнларини янада чқурлаштириб бориш даркордир.



Давоми 4-5-бетларда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Жорий этилган янги меъёрлар эвазига уй-жой фондиди бошқариш, унинг моддий негизини яхшилаш борасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар юзага келди. Хизмат кўрсатилаётган кўп қаватли уй-ларнинг қамайтирилиши ҳисобига уй-жой мулкдорлари ширкатлари 394 тадан 841 тага кўпайиб, ушбу ўзини ўзи бошқариш органларининг янада самарали фаолият юритиши, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида фаоллаштиришга эришилди. 1991 йилга қурилган уйларнинг 789 тасининг тубдан таъмирланиши учун 6,5 миллиард сўм, шу жумладан аҳоли маблағлари ҳам сарфланди. Бундан ташқари, режадан ташқари қўшимча равишда 44 та уйда - капитал таъмирлаш, 167 тасида - муҳандислик коммуникацияларини янгилаш ишлари амалга оширилди.

Сессияда эришилган ютуқлар қаторида депутатлар ва ҳокимлик тузилмалари раҳбарларининг эътибори шаҳар ҳўжалигининг айрим тармоқларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда мавжуд муаммоларга ҳам қаратиб ўтилди. Чунинчи, баъзи туманларда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда, пудрат ишларини бажаришда, инвестицияларни ўзлаштиришда, ташқи савдо фаолиятида оксалишлар кузатилди. Шаҳар бўйича корхоналарнинг зарари 3,3 миллиард сўм, боқимандаси — 47 миллиард сўмга ошди. Йирик ҳўжалик субъектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам қоникарсиз деб эътироф этилди. Жорий йилда ким ошди савдолари орқали сотувга қўйилган 165 та объектнинг атиги 27 фоизи янги эгаларини топган.

Коммунал хизматлари бўйича қарздорлик масаласи ҳам сурункалигига қолмокда. Шу йилнинг 1 декабрига қадар фойдаланилган газ, сув, иссиқлик учун қарзлар йил бошига нисбатан 53 фоизга ошган бўлиб, 167,8 миллиард сўмга тенг бўлди. Бу борада улгуржи истеъмолчиларнинг ҳам, аҳолининг ҳам қарзлари анча ошган. Юридик субъектлари бўйича энг катта қарз 79 миллиард сўмни (газ учун), жисмоний шахслар бўйича эса — 23 миллиард сўмни (иссиқлик ва иссиқ сув учун) ташкил этмокда.

Кун тартибидоги биринчи масалалар юзасидан музокараларда сўзга чиққан депутатлар Азиз Тўраев, Садриддин Ҳакимов, Акмал Акромов ва Мирзо Улўғбек тумани ҳокими Шавкат Эргашев мутасадди бўлган соҳалари бўйича ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, шунингдек бевосита доимий комиссияларда ҳамда сайловчилар билан бўлган депутатлик фаолияти хусусида кичкача ҳисобот бериб, асосий эътиборни мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларга қаратдилар ва бу борада ҳар бир раҳбар ва ҳар бир депутат, эгаллаб турган лавозимидан ва у ёки бу сийбый партияга мансублигидан қатъи назар, ҳамкорликда ва мажмуавий тарзда иш юритиши мақсадга мувофиқлиги ва фақат шундоғина пировард мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидладилар. Келгуси йилда эса худудий ички махсулотнинг ҳажмини 4,2 фоизга, саноат махсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини - 6,5 фоизга, халқ истеъмоли мол-

лари ҳажмини — 3 фоизга, экспорт ҳажмини - 4,6 фоизга оширилиши режалаштирилмокда. Ҳаз навбатда, бу истикболли кўрсаткичлар, шубҳасиз, 2006 йил бюджетининг вақтида ва тўлиқ шаклланишига замин яратди.

Пойтахтнинг бош молия ҳужжатининг асоси нимадан иборат бўлади? Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи Мирсаид Мирмаҳмудов келгуси йил учун бюджет лойиҳаси Олий Мажлис Сенати томонидан 2006 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганини таъкидлаб, бу борада кўрсаткичлар иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларига мувофиқлаштирилганини ҳам айтиб ўтди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Бюджетда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ижтимоий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва шу орқали ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган масалалар ҳисобга олинган. Бюджетнинг кирим қисми шаклланишида келгуси йилда иқтисодиётга бўлган солиқ юкени қисқартиришга доир ўзгаришлар ҳам эътиборга олинади. Хусусан, 2006 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг даромадига солиқнадиған солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилмокда. Уч фоиздан иборат қисқартирув ўрта ҳисобда 17,8 миллиард сўм маблағни иқтисод қилиш орқали ҳўжалик субъектларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, айланма маблағларини тўлдириш ва албатта меҳнатни рағбатлантиришни кўзлайди. Жисмоний шахслар даромадига бўлган солиқ икки мезон бўйича бир фоизга, яъни 29 дан 28 фоизга ҳамда 20 фоиздан 19 фоизга қамайтирилади. Бу дегани 2006 йилда назарда тутилган ставкаларнинг амалдаги ставкага нисбатан қамайтирилиши ишчи-хизматчиларнинг ойлиги умумий равишда 5,6 миллиард сўмга ортиши имконини беради. Бундан ташқари, иш ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ҳажми 6 фоизга қисқартирилиб, эндиликда 25 фоизга тенг бўлади. Янги йилдан бошлаб корхона ва ташкилотлар экологик солиқ тўловидан озод қилинмокда. Шунингдек, савдо фаолиятининг айрим турлари билан шўғулланиш борасидаги йиғимлар ҳам бекор қилиниши назарда тутилган. Аммо ҳисоб-китобларда мамлакат бойликларига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишда солиқларнинг аҳамиятини ошириш ва маҳаллий бюджет даромадлари негизини мустаҳкамлаш мақсадида ер ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш учун солиқ ҳажмини 1,5 бараварга, атроф-муҳитни йўлсизлантирилгани учун тўлов миқдорини 1,3 бараварга ошириш режалаштирилган.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан депутатлар Ёлмира Боситқонова, Жамолддин Бобохонов ва шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Зафар Ҳошимовнинг бюджетнинг ижтимоий йўналтирилганлиги юқори даражада

эканлигини таъкидладилар. Ижтимоий соҳага бўлган бюджет харажатлари динамикаси шунини кўрсатадики, келгуси йилда бу борада харажатлар тўрт фоиздан кўпроққа ортиб, умумий бюджет қисмининг 60,5 фоизини ташкил этади, шундан 34,4 фоизини эса таълим соҳасига ажратиш кўзда тутилган (ушбу кўрсаткич 32,4 фоизга тенг бўлган).

Шубҳасиз, бюджет маблағларини тақсимлашда 2006 йилнинг сиймоси — Ҳомийлар ва шифокорлар йили эътиборга олинган. Келгуси йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун бу йилга нисбатан 5,5 миллиард сўмга кўпроқ маблағ ажратилади. Бундан ташқари, аҳолининг турмуш тарзини оширишга 5,8 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бу эса жорий йил кўрсаткичларидан 1,5 миллиард сўмга кўп эканлигидан далолат беради. Дарвоқе, ҳисобот йилида «Сихат-саломатлик йили» худудий дастурининг ижросини таъминлаш учун бюджетдан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган, ҳомийларнинг маблағлари эса 2 миллиард сўмдан кўп бўлган. Бу ҳақда ахборот берган шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тоҳиров утаётган йил давомида аҳолини соғломлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини негизини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилганини таъкидлаб ўтди. Жумладан, бир қатор даволаш-профилактика муассасалари қайтадан тикланди, замонавий асбоб-ускуналар ва техника билан жиҳозлангани ҳолда фойдаланишга топширилди. Буларнинг бари биринчи навбатда тиббий хизматларнинг сифат даражасини тубдан оширишга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муҳим қадам бўлди десак муболага бўлмайди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили моҳиятидан келиб чиққан ҳолда сессияда шунингдек айни пайтда тайёрланаётган давлат дастурига киритилиши лозим бўлган масалаларга ҳам ургу бериб ўтилди. Шунингдек таъкидландики, янги йил учун режалар белгиланаётганда авваламбор уларнинг амалий томони ва рўйбга чиқарилишига эътибор қаратиш, бунда мақсад ва интилишлар одамларни жалб қилган, уларнинг кўнглидан чуқур жой олиб, шу ишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этган тақдирдагина кутилган натижани бериши мумкин.

Сессияда депутатлар шаҳар ҳокимининг бир қатор қарорларини тасдиқлаб, шунингдек ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, кун тартибидоги ҳар бир масала кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши жараёнида ушбу сессиянинг аҳамиятли томонида алоҳида эътибор қаратилди. Депутатларга тadbирдан анча аввал зарурий ҳужжатлар тўплами тақдим этилган бўлиб, кун тартибига чиқарилган масалалар эса дастлаб турли соҳа мутахассислари иштирокида ҳамда сайловчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда доимий депутатлик комиссияларида муҳокамадан ўтказилган. Шундан келиб чиққан ҳолда депутатлар ишга бўлган бундай муносабатни давом эттириш лозимлиги хусусида умумий фикр билдирдилар.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

«АХБОР-РЕЙТИНГ» АСРАА АЪЗОСИ БЎЛДИ

Токиода Осий кредит рейтинг агентликлари уюшмаси (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA) аъзоларининг ишчи симпозиуми ва йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компаниясининг мазкур ташкилот аъзоси бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Ахбор-рейтинг» БРК бош директори Нарзулла Обломуродовнинг Ўза муҳбирига айтишича, БРК мазкур нуфузли ташкилот аъзосига айланган Марказий Осийдаги биринчи рейтинг компанияси бўлди.

Осий кредит рейтинг агентликлари уюшмаси 2001 йилда Манила шаҳрида (Филиппин) минтақанинг етакчи рейтинг агентликлари томонидан Осий тараққий банки ва Осий банк-

лари уюшмасининг бевосита иштироки ва ёрдамда ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда Осий кредит рейтинг агентликлари уюшмаси етакчи халқаро профессионал ташкилот ҳисобланиб, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон, Малайзия, Покистон, Таиланд, Филиппин, Бангладеш, Индонезия каби Осий мамлакатларининг 22 рейтинг агентлигини бирлаштиради.


Уюшманинг асосий мақсадлари Осий рейтинг агентликлари ўртасидаги яқин алоқаларни ривожлантириш, рейтинг агентликларини институционал ривожлантириш ва уларнинг ишончли ахборот тақдим этиш имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида фикр, ахборот, тажриба алмашишга қўмаклашишдир.

Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги «Ахбор-рей-

тинг» банклараро рейтинг компаниясининг АСРАА га аъзо бўлиши республикада кредит рейтингни амалиётини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илғор халқаро тажрибани жорий этиш учун янги имкониятлар яратди. Осийнинг етакчи рейтинг агентликлари билан яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши рейтинг амалиёти ва республика молия бозорларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Рейтинг саноатининг ривожланиши эса, ўз навбатида, молия бозорлари қатнашчилари маъсулияти ва ошқоралиги кўчаишига олиб келади, уларни инвесторлар учун янада жозибадор қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ, Ўза муҳбири



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

●Исроилда ҳукумат тепасида турган «Ликуд» партияси янги раҳбарини сайлади. Сешанба куни кечаси эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, мамлакатнинг собиқ бош вазири Биньямин Нетанияху партия раҳбари лавозимига сайланди. Нетанияхуға асосий рақобатчи бўлган Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалон ҳам ғолибни таъкидлаб, партия сафида қолишни ҳамда у билан ҳамкорлик қилишини айтди.

●Кёльн (Германия) маъмурияти ЮНЕСКО талаби билан шаҳар марказида баланд бинолар барпо этиш лойиҳасидан воз кечди. Бу лойиҳага кўра Рейн дарёси бўйида баландлиги оз метр келадиган бино ва бир неча кўп қаватли иморатлар қуриш режалаштирилган. Аммо улар қад ростлаганида, мамлакатдаги қадимий ёдгорликлардан бири— Кёльн кафедрал ибодатхонасини тўсиб қўйган бўларди. Шу боис ЮНЕСКО шаҳар маъмуриятидан бу қурилишдан воз кечишни катъий талаб қилди.

●Исроил бош вазири Ариель Шарон яқшанба куни кечқурун Қуддусдаги «Адасса зейн-Керем» касалхонасига ётқизилган. Касалхона шифокорлари бош вазирга «микроинсулт» ташхисини қўйишди. Ҳолсизланишдан шикоят қилган Шарон шахсий машинасида касалхонага олиб келинган. Шифокорлар бош вазир бироз ётиб дам олишини ва асабларини тинчлантириб сўнгра ўз вазифасини бажаришга киришини мумкин деб ҳисоблашмокда.

●Ноябрь ойининг охирида Ироқда жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган ГФР фуқароси Сюзанна Остхофф озод этилгани ҳақида «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди. Германия Ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер журналистларга археолог Сюзанна билан биргаликда унинг ҳайдовчисини ҳам қўтаририлганини айтди. Ҳозирги пайтда Остхофф Германиянинг Багдаддаги элчихонасида эканини ТИВ раҳбари мамнуният билан эълон қилди.

●Иордания ҳарбий суди сиртдан «Ал-Қоида» террористик ташкилотининг Ироқдаги раҳбари Абу Мусаб ал-Зарқавийни ўлимга маҳкум қилди. У билан биргаликда «Ал-Қоида» жангариларининг яна икки нафари Фаҳад Фўхайки ва Дарар Абу Удахлар ҳам ўлим жазосига маҳкум этилди. Уларнинг умумий ҳаёти 2004 йилда Иорданияда кўпуровчиликни амалга оширилганлигида айбланмокда.

●Келаси йил Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати телереклама бўйича барча рекордларни янгилаш кутилмокда. Германия телевиденисининг биринчи канали чорак финал ўйинларини кўрсатиш пайтидаги ўттиз сониялик реклама нарҳини 320 минг евро деб белгиледи.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, деган пурмамо сўзлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўчи бозор иқтисодиёти ва юксак маънавий салоҳиятга эга қудратли давлат барпо этишга қаратилган туб ўзгаришларнинг асосий тамойили ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг самарадорлиги бевосита инсон ресурслари билан боғлиқ экани аён ҳақиқат. Бунда мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимининг аҳоли, одамларнинг саломатлик даражаси ва сифати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш устувор вазифага айланди ва бу масалага жиҳдий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг қатор Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида «Инсон манфаатлари йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили» каби мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йил поёнига етмоқда. Шуниси эътиборлики, мазкур йил давомида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш билан бир қаторда аҳоли тафаккурида соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини янада оммалаштириш, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол ёш авлодини тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш каби муҳим йўналишлар бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Буларнинг барчаси «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида ўз аксини топди. Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидлаганидек, бу борада амалга оширилган ишлар катта ижобий натижалар берди, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими даражасини оширишга самарали таъсир кўрсатди.

— Дастури амалга ошириш давомида республика соғлиқни сақлаш тизимида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Бу ишлар кўламини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин.

Давлат дастури ижросини таъминлаш учун 2005 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида қарийб 166 миллиард сўм маблағ сарфланди. Республикамиз бўйича 36 та шифохона, поликлиника ва бошқа аҳоли соғлиқини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўплаб муассасалар тўлиқ капитал таъмирланиб, реконструкция қилинди.

Қишлоқда даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий бўғини ҳисобланган қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини шакллантириш ишлари ниҳоятга етмоқда. Бу йил 210 та янги КВП фойдаланишга топширилди ва уларнинг умумий сони 2735 тага етди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим таркибига киривчи муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг болалар учун мўлжалланган биноси, марказнинг Нукусдаги бўлими иккинчи навбати, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ва Қадан шаҳарчаси, Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги шифохоналарнинг тегишли бўлимлари капитал таъмирланиб, ишга туширилди. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий алоқа воситалари билан таъминланди, уларга 127 та махсус автотранспорт берилди.

Ихтисослаштирилган марказлар тармоғини ривожлантириш борасида ишлар ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, Қаршида урология ва кардиология марказлари барпо этилди. Хоразм вилоятидаги сил касаллиги диспансери, Республика онкология илмий

марказининг даволаш бинолари тўлиқ таъмирланган чиқарилди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология ва кўз микрожарроҳлиги махсус марказларининг биноларини реконструкция қилиш якунланди. Айни вақтда академик В.Воҳидов номидagi республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг перациалар амалга оширилаётган биноси капитал таъмирланмоқда. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш натижасида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг самарадорлиги ошди. Энди нафақат пойтахт, балки олис туманлар аҳолиси ҳам малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш тиббий соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада қандай ишлар амал-

Феруз НАЗИРОВ: МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ ҚУДРАТИ

Мамлакатимизда инсон ҳақида гамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. 2005 йилнинг юртимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мумкин. Жорий йилда нафақат соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, балки фуқароларда соғлом турмуш тарзининг ҳаётий фалсафасини шакллантиришга қаратилган фаолият ҳам жадаллашди. Ушбу кенг кўламли ишлар қандай натижалар берди, ўтаётган йилда республикамиз аҳолисининг саломатлигини яхшилаш учун қандай ишлар қилинди? Уза мухбири Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назировга ушбу саволлар билан муурожаат этди.

га оширилди?

—2005 йилда болалар ва хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, чақалоқлар ўлимини камайтириш дастурини амалга ошириш бўйича лойиҳалар янада такомиллаштирилди. Туғиш ёшдаги аёлларнинг 97 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари учун режа асосида зарур асбоб-ускуналар сотиб олинмоқда. Масалан, Наманган вилояти туманларидаги марказий шифохоналарнинг туғуруқхона бўлимлари 14 та ультра-товуш аппарати ва 28 та кардиотоксиграф билан жиҳозланди. Самарқанд вилоятининг ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш муассасалари учун 44 минг АҚШ доллари миқдорига тиббий ускуналар харид қилинди. Қораўзақ, Хонқа, Қўшқўпир ва Янгибозор туманларида ҳам ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий мажмуалар фойдаланишга топширилди.

Скрининг-марказлар фаолияти ҳам тубдан яхшиланди. Жорий йилда уларда 162 мингдан ортиқ чақалоқ, 155 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилди. Буларнинг барчаси тугма касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, шунингдек, нафақат чақалоқ, балки унинг ота-онаси ҳаётини ҳам заққумга айлантирадиган оғир оқибатларнинг мумкин қадар олдини олиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон полиомиелитдан холи худуд сифатида эътироф этилган. Бу натижага болаларни ҳар йили тўлиқ эмлаш тўғрисида эришилди. Сихат-саломатлик йилида 2 ёшга бўлган болаларнинг 98,4 фоизи турли юқумли касалликларга қарши эмланди.

Одамлар саломатлигини сақлашда витаминлар ва микроэлементлар муҳим ўрин тутди. Шу боис хотин-қизлар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олиш учун мамлакатимизда Уни тўйинтириш миллий дастури амалга оширилмоқда. Бунун республикамиздаги кўплаб ун ишлаб чиқариш корхоналари бу муҳим озик-овқат маҳсулотини темир моддаси ва витаминлар билан бойитмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир ушбу чоралар ўз натижасини бермоқда. Бунинг ўтган йилга нисбатан чақалоқлар ўлими 7,4, оналар ўлими 6,8 фоизга камайгани ҳам

кўрсатиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, кексалар турли касалликларга кўпроқ чалинади. Шу сабабли уларга алоҳида гамхўрлик кўрсатиш лозим. 2005 йилда кекса ёшдаги кишиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми анча кенгайди. Биргина Республика геронтология маркази 4 минг қарияга тиббий ёрдам кўрсатди. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган кўпгина пансионат ва санаторийлар таъмирланди ва зарур ускуна ва анжомлар билан жиҳозланди.

— Феруз Гофурович, ниҳоялаб бораётган йилда сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида ўта хавfli инфекциялар тарқалиши кузатилмақда. Айтингчи, мамлакатимизда барқарор эпидемиологик вазиятни сақлаш учун қандай чоралар кўрилмақда?

— Бу соҳа аҳоли соғлиғи учун гамхўрлик қилишнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистонда ўта хавfli инфекцияларнинг кириб келиши ва тарқалишини назорат қилиш

бири ҳисобланади. Зеро, бу борадаги натижалар кўп жиҳатдан шифокорлар, ўрта ва кичик бўғин тиббиёт ходимларининг билими, малакаси ва кўникмаларига боғлиқдир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент тиббиёт академияси нафақат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини кадрлар билан таъминлаш, балки бошқа тиббиёт олий ўқув юртиларида ҳам бу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш лозим. Республикаимиздаги барча олий, ўрта махсус тиббиёт ўқув юртиларида давр талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш жараёни йўлга қўйилди.

Тиббиёт йўналишидаги ўқув юртиларини битирган ёшларнинг ишга мослашиш тизимини ташкил этиш мақсадида мутахассисликлар рўйхати қайта кўриб чиқилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига қўшимча тақлифлар киритилди. Бундан ташқари, ўтган йил давомида малакасини оширган шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари сони анча кўпайди. Уларнинг аксарияти хориждаги энг яхши клиникалар ва илмий марказларда малака ошириб қайтди.

Қисқача айтганда, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси доирасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва улар ўз самарасини бермоқда. Шундай бўлсада, дастурда кўзда тутилган ҳамма ишлар бажарилди, дея олмаيمиз. Янги соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш, уларни энг замонавий тахшиқ қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича 2005 йилда бошланган лойиҳаларни амалга ошириш давом эттирилади. Шунинг билан бир бор таъкидлашни истардимки, буларнинг барчаси Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бундан аҳоли саломатлигини яхшилашга оид олиб борилаётган режалар ишларнинг бир қисминдир. Кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимизда аҳолининг умумий ўлим даражаси 22 фоизга камайгани, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса ёшдаги кишиларнинг саломатлиги сифати сезиларли равишда яхшиланигани ушбу ишлар самарадорлигидан далолат беради.

Табиийки, бу ишлар Президент Ислам Каримов томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йилда изчил давом эттирилади. Ҳукуматимизнинг шу кеча бўлиб ўтган мажлисида ҳам шу ҳақда гапирилди. Унда нафақат республика даволаш муассасалари раҳбарлари, балки амалиётчи шифокорлар ҳам иштирок этди. Маълумки Президентимизнинг жорий йил 1 декабрдаги қарорига кўра, 2006 йил 1 январдан бошлаб тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, у аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган. Бундан ташқари, ҳар бир тиббий муассаса ҳузурда моддий рағбатлантириш ва ривожланиш жамғармаси ташкил этилди. Ҳамма манбалар ҳисобидан шифокорлар, ўрта ва кичик тиббий ходимлар иш ҳақи 2006 йилда 1,3 баробарга ошди. Буларнинг барчаси республикамиз раҳбарияти инсон эҳтиёжларини таъминлашга катта эътибор бераётгани натижасидир. Зеро, мустақил Ўзбекистонда инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари энг олий қадрият саналди. Соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг бундай эътибор ва гамхўрликка жавобан ўз касб маҳоратини мунтазам ошириши, профилактика, тахшиқ қўйиш ва даволашнинг илгор услубларини ўзлаштириши ва жорий этиши ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки миллат саломатлиги - юрт қудрати демокдир.

Уза мухбири
А.ИВАНОВА сўхбатлашди

Давоми. Боши ўтган сонларда.

ҲИНДИСТОН САФАРИ ДОСТОНИ ВА У ЕР АЖОЙИБОТЛАРИНИНГ ШАРҲИ ВА ФАРОЙИБОТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Оллоҳи таолонинг сўзи: у /Оллоҳ/ сизларни куруқликда ва денгизда сайр қилдирувчидир.¹ Кимнингки донолик кўзи ҳақиқат нурларидан ёруғлик толган бўлса ва жон қуши билим ҳавосида учса, у аниқ кўз билан қуриб, шаксиз илм билан билодиқи, фалаклар улғу жисмларининг айланиси ва ер майда бўлакчаларининг сайри шаъни улуғлангур пок санъаткор /тангри/нинг илм ва иродасига мувофиқ жорийдир ҳамда Оллоҳнинг ҳамма нарсани ўзига қамраган қудрати нурлари ва тўлиқ ҳикматларининг асарлари олам зурриёти зотида ва барча одамларнинг ҳаракат ва сукунатларида жорийдир; бутун олам махлуқларининг инон ихтиёри Оллоҳнинг қудрати қабзасида ва қазоси қанғалидадир; жaxon саркашларининг гардани эса Оллоҳ нимани истаса, шуну қилади деган ҳукмига маҳкумдир.

Байт:
Агар жaxon
кишилари
ҳолатининг
ўзгартирувчиси
қазо

бўлмаса,
нега аҳволнинг кечиси инсон
розилигига хилоф?

Тўғри, ҳар бир ахшилик ва ёмонлик кишилар жиловини тортувчи қазодир,
Бунга далил: киши тадбирларининг барчаси хато кетишидир.

Денгизда сайр қилиш ҳолати ва унда юз берадиган кўрчинлар ҳам, — мисраъ: у бепоён ва соҳилсиз бир денгиздир, — олий қудрат асарларининг энг аниги ва буюк ҳикмат нурларининг энг улғуидир. Шунинг учун ҳам энг билимдон подшоҳ /тангри/ нинг барчани оқиз қолдирадиган шаклда терилган қаломи Курьонда сафар фойдаларининг дурлари гоят гузал бир нозиклик билан саранжом толган. Бу муҳим ишга киришиш ва у катта денгизга фикран шўнғиш борасида сўзлаш ва ёшиз абадий ишағувчи қудрат эгаси ва барча мушкулларни осон этувчи Оллоҳнинг тақдирисиз имкондан холидир.

Байт:
Унинг устида фикр юртиш инсон
тадбирларидан бўлмаган
Қазоу қадар имзоси ва раббоний
тақдир ҳукми билан
Мен Ҳинд тарафига сафарга
тайинландим.
Бунинг шарҳи қандай қилиб равшан
бўла олсин-ки, мен,
хайронликдаги киши, у
коронгулик иқлимидан
юрган бўлсам.

Ҳазрат ҳокони саъид иноят қилиб, менга инъомлар ва йўлда а л у ф а ҳам ём отларни¹ билан таъминлашнинг учун ҳукмлар иноят қилди ва бу заиф кераклик тайёргарликни қуриб бўлгач, рамазон ойининг бошида /13 январь, 1442/ Кўхистон йўли билан чиқиб, жўнаб кетдим. Кермон биёбони билан кета-туриб шахрга ўхшаш бир жойга етдим. У ерда қалъа ва чорбозорлар кўриниб турса ҳам, бирор кимса ишамас эди.

Шеър:
Мен уларнинг биёбондаги
манзилларидан ўтдим.
Аммо уларнинг излари ва манзил
вайронларидан бошқа ҳеч
нарсга учратмадим.

Бу биёбон — Макрон² ва Сейстон³ чегарасидан тортиб Домгонгача бўлган тамома масофа, офат ва хавф тугдирувчидир. Фақир рамазон ойининг ўн саккизинчисида /3 январь, 1442/ Кермон шахрига кириб келдим. Дуруст шахар ва саховатли маком, дилқушо, жонга роҳат бағишловчи жой экан. У ернинг д о р у ф а с и амир Ҳожи Муҳаммад Қаноширнинг мен борганимда йўқ эди. Зарурат юзасидан ийдгача / 1 шаввол 84 - 6-12 февраль 1442/ шу ерда қолдим. Олий ҳуққ эгаси, Кермон шахрига, балки бутун дунёга таниқлик Оллоҳ руҳини пок қилиб ғирини нурга тўлатгур амир Бурхонуддин Сайид Халилulloх ибн амир Наъимуддин Сайид Нейматуллох олий ҳазратлари Ҳиндистон мамлакатидан қайтиб келдилар ва турли-туман лутфу меҳрибонликлар кўрсатиб хол-ахвол сўрадилар.

Бешинчи шавволда /16 февраль, 1442/ мен Кермондан жўнаб кетдим. Йўл асносида

Банпурга бўлган босқинидан қайтиб келаётган амир Ҳожи Муҳаммад билан учрашув юз берди. Сўнг Хўрмузга қараб йўл олиб, ойнинг ўртасида /26 февраль, 1442/ Уммон соҳилига ва Хўрмуз бандарига етиб келдим. Хўрмузнинг волииси Малик Фаҳруддин Туроншоҳ кема юборди, хўросонликлар ҳаммалари кемага чиқдилар ва Хўрмуз шахрида соғ-саломат тушдилар. Турар жой ва барча керак-роқлар муқаррар қилинди ва подшоҳ билан учрашувга ҳам муяссар бўлдим.

Бу Жарун деб ҳам аталувчи Хўрмуз шаҳри денгиз ўртасида жойлашган бир бандардирки, — мисраъ: ер юзида унинг тенги топиламайди, — етти иқлимнинг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбойжон, Араб ва Ажам Йроқлари ҳамда Форс, Хўросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари, Дашти Қипчоқ мамлақати, Қалмоқ тарафларидан, барча Шарқ мамлақатлари, Чину Мочин ва Хонболондан бу шахарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Сейлондан, Тано-сири, Зирбод шахрлари, Суктура, Шаҳри нав ва Дива Махалл ороларидан тортиб хатто Балибор диёридан, Хабаш ва Зангибордан

табиатим ва лафз дурларига пардос берадиган нозик ижодим сўниш ва қотишга муб-тола бўлган эди. Астафурулло! Нималар дейяман мен! Хотирам паршон, зехим хира бўлди.

Ногоҳ бир куни кеч кирганда Ҳиндистон тарафидан келаётган бир савдогар билан учрашиб қолдим. Унинг мақсади нима эканлиги ҳақида савол қилинганда, савдогар айтди: мисраъ: "Хирот шахрига боришдан бўлак мақсадим йўқ". Бу саодатли шахар номини эшитгач, — мисраъ: Бошимдан ҳушим учинидан кўркинч бор эди, — илти-мас қилиб савдогарни бир соатга тўхтат-ди ва лафз ва иборалари ариқларидан оби ҳаёт томчилари оқиб турадиган қуйидаги байтлар билан бошланувчи мактубини анбар хидли рақамга эга бўлган қалам ва мушқ хидли хом билан кофурсимон оқ қоғознинг юзига ёзди. Байт:

Фарибон назомошида мен
агар йғи бошласам,
Фарибона нолалардан қисса
тузаман.
Дўст-ёр ва диёрим ёди билан мен
шундай зор

йғилмайманки,
Сафар
йўл-йўруғини
кўз ёшим
билан ювиб
ташлайман.
Мен дўст
диёрданман,
беғона
диёрдан эмас,
Эй сакловчи
танграм,

мени яна
ўз дўстларимга етказ.

Шу юқориди айтилганларга ўхшаб кетувчи ҳол-ахвол ва ҳар хил кийинчиликларнинг шарҳи муфассал ҳам мазмунли тарзда ёзиб кўрсатилди.

САККИЗ ЮЗ ҚИРҚ ОЛТИНЧИ (1442-1443) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ ҲИНДИСТОНГА ЕТИБ БОРГАНЛИГИМ ДОСТОНИ ВА У ДИЁРНИНГ АТВОР ВА АВЗОИ ШАРҲИ ВА АЖОЙИБ-ФАРОЙИБЛАРИ БАЁНИ

Коликут хавфсиз ва обод бир бандардир; кўп мамлакат ва диёрларнинг савдогарлари жам бўлиши ва денгиз соҳилидаги ерларнинг, хусусан, Ҳабаша, Зирбод ва Зангибор мамлакатларининг молларидан қўллаб нафис нарсалар топилиши билан у Хўрмузга ўхшаб кетади. Гоҳ-гоҳ бу ерга Байтуллоҳдан ва Ҳижознинг бошқа шаҳарлари томонидан кемалар келиб, ўз ихтиёрлари билан бу бандарда бир қанча вақт тўхтаб турадилар. Бу — кофирлар қўл остидаги шахар бўлиб, д о р и х а рбидир. Аммо бу шахарда бир гуруҳ мусулмонлар ҳам мўқим яшайдилар ва иккита жоме масжиди қуриб олганлар; жума кунлари хотиржамлик билан намозларни адо этадилар; ўзларининг диёнати билан бир қозилари ҳам бор. Уларнинг қўччилиги Шодфий мазахбидирлар. Бу шахарда хавфсизлик ва адолатлик шундайки, бойлик — қудратликка денгизлар нақши /тамғаси/га эга бўлган савдогарлар денгиз соҳилларидан у ерга қўллаб моллар келтирадилар, кемадан тушириб, шахарга киргизадилар-да, кўча ва бозорларга қўйиб қўядилар, аммо ўзлари бир мўддат бўлса ҳам қўриқлаб ўтирмайдилар. Девоннинг аминлари муҳофизат қилдилар ва кеча-кундуз молларнинг атрофиде айланиб юрадилар. Агар савдогарлар молларини сотсалар, қирқдан бир микдорда э а к о т оладилар, бўлмаса ҳеч бир вазҳдан уларга зарар-заҳмат етказмайдилар.

Бошқа бандарларда эса одат шундайки, агар муайян бир бандарга қараб кетаётган бирор кема шўхрат ва улғулиги ортуғ Оллоҳнинг тақдир билан ногоҳ бошқа бир бандарга келиб қолса, "бу кемани шамол олиб келди", деб талон-тороҳ қилдилар. Лекин Коликутда бундай эмас. Қай ердан бўлмасин чиқиб, қаерга бўлса ҳам кетаётган қар қандай кема бу ерга келиб қолса, коликутликлар у кемага ҳам бошқа кемаларга қилгандек муомала қилдилар ва сира ҳам зарар-заҳмат етказмайдилар.

Форсчадан Асоимиддин УРИНБОЕВ таржимаси.

¹ Курьон, "Юнус" сураси, 23-оят.
² Ём отлари- ём (бекат)ларда давлат одамлари хизмати учун сақланган отлар.
³ Макрон, Сейстон, Кермон - ҳозирги Ерон мамлақати ҳудудида жойлашган шахар ва вилоятлар.
⁴ Муаллиф бу машҳур иборани кемада ўзи билан бирга сузаётган йўлдошларига нисбатан қўллайди.

Давоми бор.

Шарқ дурдоналари



• Донолар айтдилар:
— Қуйидаги тўрт нарса тўрт ноҳушликни келтириб чиқаради. Худбинлик расволикни, се-рғазалик пушаймонликни, та-кабурлик душманликни, но-шукрулик хорликни.

• Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб берма-гани эса сенга маллолик келтиради.

• Инсон ўзини бошқалардан ортқ деб билмаслиги, ўзини ақли, бошқаларни ақлисиз деб тасаввур қилмаслиги, қар қандай яхши ишга ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисоб-ламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлгинки булар худбинлик ало-матларидир.

Ҳикмат: ҳар кимсага менсима-слик назари билан қарама. Эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлсада, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро улғулар: «Ҳар кечани қадр бил, ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил», —деб бежиз айтмаганлар.

• Олимлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтди:

— Боболаримиз: «Сўзлаганин-г қумуш бўлса, тек турганин-г олтиндир», деганлар. Бунга қараганда ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз, ўринсиз, маъносиз сўзлаганин-дан кўра, тек турганин-г яхшироқ, демок-чидирлар.

Ҳар ишининг ўзига хос одо-би бўлгани каби сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғонни қўйиш, биров-нинг иззат-нафисига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш арамас сўзлар ўзига зарар етказмасдан қолмайди. Шунинг учун доғишмадилар: «Кўп ўйла, оз сўзга, сўзинг яхши бўлса сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий», деганлар.

• Арасту Ҳаким айтди:
— Маишатга етарли молу давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчасини талаб қилмасин, чунки унинг поёни йўқдир. Ор-тиқча талаб қилган киши жуذا қўп фалакатларга дуч келади.

Алишер Навоий айтди:
Неча ким тўнинг риоят
бирла кийсанг,
эскирур,

Чунки кийдирдинг
бировга, эскимас тўн
ул эрур.

• Мавлоно Жалолиддин Ру-мий айтди:

— Эй биродар, агар бахт-са-одат истасанг, гурур, манман-ликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тин-гла, такаббурлик, адоват, пина-чиликдан ҳазар қил. Қайгу-аламлар устинга ҳужум этса-лар, бу ҳужумларга ўз адабсиз-лигинг сабабидир. Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳарсат да-рёсида гарк бўлади. Шунга кўра адаб нури билан ўзингни нур-лантир, қалбинг пок бўлсин.

• Букрот Ҳакимдан:
— Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? — деб сўрадилар. Букрот Ҳаким айтди:

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адил биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:
Ҳимматининг тут
балаңд эл олдида,
Ҳимматининг-ла
мартабанг
бўлғай балаңд.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2006 ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2006 йил 3,5,7,10,12,14,17,19,21,24,26,28 январь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф қилади.

Аукцион савдоларига қўйилган ер майдонларининг рўйхати.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, «Курувчи» даҳасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ер участкаларининг эгаллик қилиш ҳуқуқи:

8-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 807 520 сўм.

9-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 807 520 сўм.

10-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 807 520 сўм.

11-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 807 520 сўм.

12-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 807 520 сўм.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, «Курувчи» даҳасида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ер участкасининг эгаллик қилиш ҳуқуқи:

13-сонли ер майдони. Бошланғич нархи 403 760 сўм.

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйлارнинг пойдеворлари эгаллаб турган, яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ер участкаларининг эгаллик қилиш ҳуқуқи:

Спутник-1 мавзеси, 58 ва 61-уйлар орасида, сатҳи 0,03 га бўлган 1-сонли ер майдони. Бошланғич нархи-342 720 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 11 ва 12-уйлар орасида, сатҳи 0,03 га бўлган 4-сонли ер майдони. Бошланғич нархи-342 720 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 7 ва 8-уйлар орасида, сатҳи 0,03 га бўлган 5-сонли ер майдони.

Бошланғич нархи-342 720 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, сатҳи 0,03 га бўлган 6-сонли ер майдони.

Бошланғич нархи-342 720 сўм.

Кимошди савдоси ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхта-тилади. Савдолар соат 11⁰⁰ да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Шунингдек ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали савдо майдончасидаги марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф қиламиз.

Сизнинг хизматингизда кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали брокерлар бўлади. Марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қўйидаги объектлар қўйилган:

Объект манзили	Объект манзили	Савдо куниндаги баҳоси (минг сўм)	Тўлов шакли	Валюта тури
Кўчмас мулклар				
Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Ўқув-методик маркази (биносиз)	Шайхонтоҳур тумани, Х.Дўстлиги кўч. 1а-уй	667,000	Ихтиёрий	Сўм
М.Улуғбек тумани ҚФБга қарашли "Қурилиш таъмирлаш корхонаси" (мол-мулклари билан)	М.Улуғбек тум. Доғистон кўч. 56-уй	2 011,000	Ихтиёрий	Сўм
Ўз.Р.Ваз.Маҳ.Илмий техник тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг ШК шаклидаги "NITEX" замонавий ахборот технологиялари агентлиги	Юнусобод т.Х.Сулаймонова кўч. 29-уй	640,200	Ихтиёрий	Сўм
"Азимут-Румб" давлат кичик корхонаси	Чилонзор т. К.Ерматов кўч. 2-уй	8 712,000	Ихтиёрий	Сўм
"MADANIY QURILISH" Шўъба корхона	Чилонзор т. Проектная кўч. 1А-уй	14 456,700	Ихтиёрий	Сўм
"Ўзбектрансқурилиш" ишчи таъминоти бўлими (биносиз)	Тошкент ш.Миробод т. Охунбобоев кўч. 34-уй	423,000	Ихтиёрий	Сўм
"COMMUNAL QURILISH" ДУК (биносиз)	Сергели тум. "Спутник" даҳаси, 6-мавзе, 9-уй	1 299,000	Ихтиёрий	Сўм
"Азия-Чем" Ўзбекистон-Туркия-Россия қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 41 фойзлик давлат улуши	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тум. Усмон Юсупов кўч. 1а-уй	421 262,700	Ихтиёрий	Сўм
"Ташингушқа" ишлаб чиқариш корхонасининг бино ва иншоотлари	Тошкент ш.С.Раҳимов т. Қорасарой кўч. 334-уй	380 740,800	Ихтиёрий	Сўм
"PENT-UZ" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Низом жамғармасининг 43,5 фойзлик давлат улуши	С.Раҳимов тумани, Сағбон кўч. 30- берк кўча, 79а-уй	673 885,030	Ихтиёрий	Сўм
"Хо'jalik hisobidagi communal bo'limi" давлат унитар корхонаси	Тошкент шаҳ. Учтева тум. Шайхзода кўч. 1а-уй	347,000	Ихтиёрий	Сўм
"Qadriyat-ta'mir" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25% давлат улуши	Тошкент шаҳ. Чилонзор тум. Туроб Тула кўч. 1-тип, 9-уй	9 455,000	Ихтиёрий	Сўм
Ўз.Рес.Фанлар Академияси тизимидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти балансида бўлган "Шабда" павильони	Тошкент шаҳ. М.Улуғбек тум. Ҳожибоев кўч. 70	9 589,351	Ихтиёрий	Сўм
Ўз.Рес.Фанлар Академияси тизимидаги "Академасбоб" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг балансидаги Электрон платола-р цехининг икки қаватли биноси	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Паркент кўч. 51-уй	13 551,300	Ихтиёрий	Сўм
"SANOATKONSALTING" МЧЖ шаклидаги ташқи иқтисодий консалтинг компаниясининг 90,0 фойзлик давлат активи	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 180 "Б"-уй (368)	35 949,753	Ихтиёрий	Сўм
"Rem-etrans" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25 фойзлик давлат улуши	Тошкент ш. Чилонзор т. Проектная кўч. 1-уй (3 класс)	91 521,000	Ихтиёрий	Сўм
"MADANIY-TRANS" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 25,5291% давлат улуши	Тошкент шаҳ. Ҳамза тум. Фарғона йўли кўч. 33-уй (368)	82 290,089	Ихтиёрий	Сўм
"LOCHIRA-MAK" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 40% давлат улуши	Тошкент шаҳ. М.Улуғбек тум. Улуғбек шаҳарчаси, Робияхоним кўч. 2-уй	34 821,616	Ихтиёрий	Сўм
Ўз.Рес.Фанлар Академиясига қарашли Ядро физикаси институти тасаруфидоги ум.майд. 1328 кв.м.га тенг бўлган "Физиклар уйи"	Тошкент ш. Бектемир тум. Биллур кўч. 53-уй (2 класс)	68 414,799	Ихтиёрий	Сўм
"5-сон кўчма механизацияланган колоннаси" МЧЖнинг Низом жамғармасидаги 99 фойзлик давлат активи	Тошкент ш. Ҳамза тумани, Слоним кўчаси, 2-мавзе, 17-уй	160 822,822	Ихтиёрий	Сўм
"Ўзбек қоғози" ОАЖ балансидаги ум.майд. 3478,55 кв.м.га тенг бўлган ётоқхона биноси	Тошкент ш. Яққасарой тумани, М.Таробий кўч. 10-уй	60 278,215	Ихтиёрий	Сўм
МЧЖ шаклидаги "Ҳабиб" Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 18,3 фойзлик дав.улуши		38 156,415	Ихтиёрий	Сўм
"Клуб биноси"	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Учувчилар шаҳарчаси кўчаси	401 869,106	Ихтиёрий	Сўм
"Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси"	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 36-уй	706 118,000	Ихтиёрий	Сўм
Ўз.Р.Қишлоқ ва сув ҳўж.ваз. қарашли "SUVLOYIXA" бирлашмасининг	Тошкент ш. Шайхонтоҳур тум. Усмон Юсупов кўч. 1 "а"-уй	6 818,700	Ихтиёрий	Сўм
"O'ZTOSHTEKHMELIORACIYA" трести				
Қурилиш тугалланмаган объектлар				
Ўз. Рес.Фанлар Академияси тизимидаги Ядро физикаси институтининг қурилиши тугалланмаган "Радиокимё корпуси"	Тошкент шаҳ. М.Улуғбек тум. "Улуғбек" шаҳарчаси	713 060,818	Ихтиёрий	Сўм
Қурилиши тугалланмаган автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси	Тошкент ш. Сергели тумани, Чортоқ кўчаси	306 213,000	Ихтиёрий	Сўм
Жами давлат объектлари:		1 019 273,818		
Асбоб-ускуналар ва бошқалар				
"Ўзбектўқимаш" ИЧБга тегишли таъминот бўлими оմборхонасидаги 571 та помли мол-мулклар (иловага асосан)	Тошкент ш. Яққасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 "Б"-уй	442 226,085	Ихтиёрий	Сўм
"Ўзбектўқимаш" ИЧБга тегишли 54 хилдаги тайёр маҳсулотлар (иловага асосан)	Тошкент ш. Яққасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 "Б"-уй	130 456,504	Ихтиёрий	Сўм
"Ўзбектўқимаш" ИЧБга тегишли Люк ЛТМ (24шт)	Тошкент ш. Яққасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 "Б"-уй	3 781,632	Ихтиёрий	Сўм
Жами объектлар:		576 464,221		

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 144-44-72, 136-15-29, 144-44-73, 136-28-75.

Спорт

ЭНГ ЯХШИ
ФУТБОЛЧИ ВА
МУРАББИЙ
АНИҚЛАНДИ

Маълумки, йил ақунларига кўра мамлакатнинг энг яхши футболчиси ва мураббийсини аниқлаш ўн уч йилдан буён хайрли анъана тусига кирган. Ушбу футбол оламида кўплаб ҳаяжонли баҳслар, қувончли онларга бой бўлган 2005 йилнинг энг яхши футболчиси ҳам аниқлаш осон кечмади.

Одатга кўра бу йил ҳам йилнинг энг яхши футболчиси аниқлаш юзасидан ўтказилган сўровларда оммавий ахборот воситаларининг 209 нафар спорт журналистлари иштирок этиб, ўз жавобларини йўладилар.

Кутилганидек, асосий баҳс терма жамоамиз таркибда чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлган икки футбол юлдузи — "Динамо" (Киев) ҳамда Ўзбекистон терма жамоасининг ҳужумчиси Максим Шацких ҳамда "Машъал" (Муборак) ва терма командамиз сардори Миржалол Қосимовлар ўртасида кечди.

Бу гал омад Максим Шацкихга кулиб бокди. У 373 очко жамғаргани ҳолда "Йилнинг энг яхши футболчиси" дея эътироф этилди. 304 очкога эга Миржалол Қосимов (бундан аввал ўтказилган сўровларда тўрт бор голиб чиққан эди) эса иккинчи ўрин билан кифояланди.

"Пахтакор" ҳужумчиси, жорий йилнинг энг сермаксул тўпурари Анваржон Солиев учинчи бўлди.

Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар ва ахборот-таҳлил бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган сўровда журналистлар шўнингдек, "Йилнинг энг яхши мураббийси"ни аниқлаш учун ҳам овоз бердилар. Қизиги шундаки, ушбу номинация бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра бу йил Ўзбекистон чемпионатида ҳужумкор руҳда ўйин кўрсатиб, иккинчи ўрин соҳиби бўлган Муборакнинг "Машъал" жамоасининг бош мураббийси Виктор Жалилов галаба қозонди. У бу йўналишда ҳам иккинчи ўринни эгаллаган "Пахтакор" ва Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийси Виктор Жалилов эса учинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Газетанинг навбатдаги сони 28 декабрда чиқади.

Республика Киночилар уйида атоқли шоир ва адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Ойбек» видеофильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

АДИБ ХОТИРАСИ
ЁДГА ОЛИНДИ

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган фильм тақдимида сўзга чиққан профессор Наим Каримов, ушбу фильми суратга олиш жараёнида хусусида гапириб берди. Кинофильм ижодкорлари ушбу тарихий видеофильми ишлаш жараёнида адибнинг ижоди, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб фотосуратлар, видеотасмалардан фойдаланишган. Фильм

сценарийси Н. Каримов қаламига мансуб. «Ойбек» фильми ижодкорларнинг маҳорати ва самарали меҳнати натижаси ўлароқ адиб ҳаётининг айрим давлари кўз олдимизда намойён бўлади. Шунингдек, кинофильмга Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг устоз Ойбек ҳақидаги фикрлари киритилган.

Юлдуз РИЗАЕВА



Табиат ўзининг азалий қонуниятига бўйсунди. Кузнинг ҳазоррезгига кирган барглари киш таровати тобора яқинлашиб келаётганидан дарак бермоқда.

Бахтиёр Соди қов олган сурат.

"Қамолот"

БУНИ ЁШЛАР БИЛИШИ КЕРАК

Ушбу шоир остида 235-мактабда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари сардорлари ва фаоллари учун семинар бўлиб ўтди.

"Қамолот" ЁИХнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан ташкил этилган ушбу тадбир давомида ёшларга турли хил ҳужжатлар билан ишлаш бўйича намунавий ўқув машғулоти ўтказилди.

— Ишонасизми, бу ўқув-семинар давомида кўп нарсани ўргандим, — дейди 122-мактаб "Қамалак" ҳаракатининг сардори Шахноза Абдулаева. — Авваллари ҳужжатлар билан ишлашни умуман билмасдим. Ҳаттоки бирон-бир тадбир ўтказиш учун сарфланган меҳнатнинг самараси хусусидаги тушунчаларга ҳам эга эмас эдим. Олган сабоқларимни етакчи сифатида мактабимизда қўллашга ҳаракат қиламан,

ўрганганларимни синфдошларим билан ўртоқлашаман, чунки тўғри иш юритиш ҳар бир кишининг ёшидан қатъи назар бутун ҳаёти давомида албатта керак бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, "Қамалак" болалар ташкилоти томонидан ҳар бир ўқувчида, айниқса сардорларда муомала маданиятини шакллантириш, уларни турли хил вазиятлардан энг мақбул йўл топиб чиқиб кетиши борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бериши шубҳасиз:

— Болалар ташкилотининг фаолияти ўзига хос ёндошув ва усуллардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг қалби ва онгига ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсад-

муддаоларини сингдиришга қаратилган, — дейди "Қамолот" ЁИХнинг Юнусобод туман бўлими маънавий-маърифий йўналиш сардори Шухрат Комилов. — Шу боис биз, сардорлар ҳам ўқув семинарларда бошланғич ташкилот сардорларида ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик каби кўникмаларни ҳосил қилишда кўмаклашмоқдамиз.

Ўқув-семинар якунида мактаб сардорларининг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди. Усмир ёшларнинг "Қамолот" ЁИХга бўлган қизиқишлари ортиб бораётганини эса уларнинг кейинги учрашувларни ўтказиш юзасидан шу тадбир давомида аниқлик киритиб олганликларидан ҳам кўриш мумкин эди.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетининг 1-босқич талабаси

Мунажжидим башорати

ТАШАБУСКОР БЎЛИНГ

27 ДЕКАБРЬ — СЕШАНА

Мунажжидларимиз бугунги кунни ташаббускорлик руҳида, фаол ҳаракатлар билан ўтказишни маслаҳат беришади. Улар бугун ҳам самода "ойболта" шаклини кўришади ва бу ҳолат шу йил февраль, март, август ва ноябрь воқеаларидан ўзига зарур хулосаларни чиқариб олганлар яқин орада ҳаммасини бошқатдан бошлашга мажбур бўлишларини англашади. Бу — оилавий аҳволга ҳам, инсоннинг ижтимоий нуфузига ҳам тааллуқлидир.

Бугун янги буюмлар харид қилиб бўлмади — улар тез тўзиб, яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Бақир-чақир, жаҳолат, қўполликлар бугун сизга зарар қилиши мумкин. Кечиримли бўлинг ва одамларни ўзаро яраштиришга интилинг.

Сариқ маъдандан ишланган буюмларни топиб олиш ёки тугмани йўқотиш — яхшилик аломати. Лекин сув билан боғлиқ барча аломатлар зарар ва моддий муаммоларни англашади.

Бу кеча туш кўрмаган маъқул. Лекин оқ ёки қумуш рангларни кўришингиз пинҳоний ҳимоянгиз борлигини билдиради.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари, айниқса ошқозон ва қораталоқ хасталикларга мойил бўлади. Суяқликларни камроқ истеъмол қилинг.

Оқ, ҳаворанг, қулранг ва

кумушранг либосларингизни кийишга ҳаракат қилинг. Қора, ёрқин ва ола-була кийимларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

БУГУН:

— ташаббускорлик ва фаолликни намойён этиш;
— жисмоний куч талаб этадиган ишларни бажариш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш;

— хонака ўсимликларни кўчириб ўтказиш;
— энг содда муаммоларнигина ечишни мақсад қилиб қўйиш;

— ота-оналарингиз ва бошқа катта авлод вакиллари билан дийдорлашиш тавсия этилади.

Истиқболли туюлган тақдирларга ром бўлиш, хом хаёлларга берилиш ва ҳаётдан узилиб қолишдан эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкент Давлат цирки 2005
йил 28 декабрдан бошлаб
2006 йил 10 январга қадар
БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
Мактаб ўқувчиларининг
қишқи таътил кунларига
Тошкент цирки манежига

«ҚУВНОҚ САЁХАТ ЁКИ
ЯЛМОҒИЗ КАМПИР ҚАРШИ»
ЭРТАК-САРГУЗАШТИ

Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат
12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8,
9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва
16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақи турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91,
144-29-04, 144-32-23.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-29-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ илғит
усулида босилади.
2496 нусхада босилади. Қўғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Напр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шар» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.